



О'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 11 » may

№ 252

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари хисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида” 2021 йил 3 декабрдаги ПФ-29-сон Фармони, “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон, “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 24 декабрдаги ПҚ-62-сон, “Хунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 30 декабрдаги ПҚ-77-сон, “Балиқчилик тармоғини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 13 январдаги ПҚ-83-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари хисобидан “уста-шогирд” асосида хунар ўргатаётган усталарга уч ой мобайнида ҳар бир шогирд учун (бироқ, шогирдлар сони беш нафардан ошмаган ҳолда) ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача субсидия ажратиш тартиби жорий этилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари хисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин:

ишсиз, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик, ҳунармандчилик ва бошқа илгор соҳаларда ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидиялар ажратиш тартиби;

иш ўрни яратиш шарти билан қўл меҳнати учун гилам ва ипак мато тўқиши дастгоҳларини харид қилиш учун субсидиялар ажратиш тартиби;

тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш ҳамда бино ва иншоотнинг ижара тўлови учун субсидиялар ажратиш тартиби;

ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда “Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатларини тўлаш учун субсидиялар ажратиш тартиби;

ёшларга “уста-шогирд” анъаналари, шунингдек, ўқув хоналарида ўқитиши қийин бўлган касб йўналишлари бўйича ҳунар ўргатаётган ҳунармандлар ва усталарга субсидиялар ажратиш тартиби.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил “ГГ” майдаги 252-сон қарорига
илова

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни
қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш
ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг
Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари
хисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари хисобидан субсидиялар ажратиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

иҳсиз – “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган ишга ёки иш ҳақи бериладиган машғулотга (мехнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш таклиф этилса, унга киришишга тайёр бўлган ёхуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишга кўмаклашиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахслар (таълим муассасаларида таълим олаётганлар бундан мустасно);

кам таъминланган ёки камбағал оиласалар аъзоси – “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали кам таъминланган деб эътироф этилган, шунингдек, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган шахслар;

миграциядан қайтиб келган шахс – хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириб, қайтиб келган шахс;

ҳоким ёрдамчиси – ҳар бир шаҳарча, қишлоқ, овулда, шунингдек, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овуллардаги ҳар бир маҳаллала тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчиси лавозимига тайинланган шахс;

Агентликнинг худудий бошқармаси – Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий бошқармалари;

Марказ – туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги юридик шахс мақомига эга бўлмаган Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази;

субсидия – бандликни рағбатлантириш ва тадбиркорликка жалб этиш учун Жамғарма маблағлари ҳисобидан кўрсатиладиган молиявий кўмак;

“Онлайн маҳалла” электрон платформаси – ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш учун давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базалари билан интеграция қилинган “Онлайн маҳалла” электрон интеграциялашган ахборот тизими.

2-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш турлари

3. Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар қуидаги мақсадлар учун ажратилади:

а) Агентликнинг худудий бошқармаси, етказиб берувчи ташкилотлар ва томорқа ер эгалари ўртасида тузилган уч томонлама шартномалар асосида:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 30 бараваригача миқдорида;

суғориш воситалари харид қилиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида;

урӯғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 бараваригача миқдорида;

б) ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари ва ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида. Бунда:

қишлоқ хўжалиги кооперативлари балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик, ҳунармандчилик ва бошқа илгор соҳаларда ташкил этилади;

қишлоқ хўжалиги кооперативларига ишсиз фуқаролар, кам таъминланган оилалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар ҳамда кооператив фаолияти йўналиши бўйича тажрибага эга етакчи тадбиркорлар бирлаштирилади;

в) “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиши билан шуғулланувчиларга З тадан кам бўлмаган иш ўрни яратиш шарти билан гилам ва ипак мато тўқиши дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун – ҳар бир дастгоҳ учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида;

г) “Ялов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси аъзоларига қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун камида битта иш ўрни яратиш шарти билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача миқдорида;

д) 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан ошмаган миқдорда бир марталик;

е) тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун – 7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача;

ж) тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз фуқароларга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўловини тўлаш учун – базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 бараваригача (бунда уч ой давомида тўлаб бериладиган субсидия уч ойга тенг тақсимланган ҳолда ҳар бир ой учун тўлаб берилади);

з) ҳунармандларнинг “Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатлари учун – аъзолик бадали миқдорида;

и) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахсларга – якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микро фирмаларни давлат рўйхатидан ўtkазиш учун – сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик;

к) “уста-шогирд” анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга (кулолларга) шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун – 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 2 бараваридан кам бўлмаган миқдорда;

л) шогирдларга – мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиш, шунингдек, усталарга – интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 50 фоизи, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баравари миқдоридан ошмайдиган қисмига;

м) касб-ҳунарга ўқитиш марказларининг ўқув хоналарида ўқитиш қийин бўлган қўйидаги касб йўналишларида “уста-шогирд” анъаналари асосида ҳунар ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки ҳунар ўргатаётган (ёки ўргатмоқчи бўлган) усталарга шогирдлар тайёрлаш ёки шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун – уч ой мобайнида ҳар бир шогирдга (бироқ, шогирдлар сони беш нафардан ошмаган ҳолда) ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 бараваригача миқдорида субсидия ажратилади.

Ушбу бандни “м” кичик бандида кўрсатилган субсидия қўйидаги йўналишларга ажратилиши назарда тутилади. Бунда:

автомобилларга аксессуарлар ва автосигнализация ўрнатиш, ғилофлар ва пол қопламаларини тикиш);

майший техникани ўрнатиш ва таъмирлаш;
компьютерларни таъмирлаш ва созлаш;
видео ва фотосуратга олиш;
мебелларни таъмирлаш ва йиғиши;
сартарошлиқ хизматлари, маникюр, педикюр хизматлари;
косметолог хизматлари;

мультимедиа, дизайн ва санъат материалларини яратиш ва уларга ишлов бериш (веб-дизайнер, графика дизайнери, компьютер ўйинлари дизайнери, интерьер дизайнери, ландшафт дизайнери, либослар дизайнери, ретушер, фотоколлажчи, вектор графикаси муҳаррири, архитектор, визуаллаштирувчи дизайнер, маълумот дизайнери, интерфейс дизайнери, техник дизайнери, моушн-дизайнер, баннер ясовчи, нашриёт дизайнери, флешер, 3D-дизайнер, видео муҳаррир, видеооператор, бастакор, овоз режиссёри, аранжировкачи, сухандон, фото муҳаррир ва бошқалар);

дастурий таъминот, ахборот тизимлари, мобил иловалар ва веб-сайтларни ишлаб чиқиши ва техник қўллаб-куватлаш (дастурчи, дастурий таъминотни синовчи мутахассис, веб-саҳифаларни саҳифаловчи, веб-таҳлилчи, веб-сайтларни оптимизациялаш бўйича мутахассис).

4. Мазкур Низомнинг 3-бандида кўрсатилган субсидиялар ҳоким ёрдамчисининг тавсияси билан ажратилади.

5. Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ ажратилади.

3-боб. Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби

1-§. Енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, уруғликлар, кўчатлар ва суғориш воситалари харид қилиш учун субсидия ажратиш тартиби

6. Ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оилалар аъзоси бўлган томорқа ер эгаси (кейинги ўринларда – томорқа ер эгаси) енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш ва/ёки уруғликлар, кўчатлар ёхуд суғориш воситалари харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилиши мумкин.

Аризада томорқа ер эгасининг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва раками (ID-карта раками), ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оила аъзоси эканлиги, томорқа ерга эгалик хуқуқи мавжудлиги ҳамда сўралаётган субсидиянинг тури кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун томорқа ер эгаси шахсан жавобгар ҳисобланади.

7. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуидаги маълумотларни ўрганади:

тومорқа ер эгасининг ерга эгалик ҳукуқи мавжудлигини;

томорқа ер эгаси ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оиланинг аъзоларидан бири эканлигини;

томуорқа ер эгаси сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) жойига чиқсан ҳолда қуидагиларни ўрганади:

томуорқа ер эгасининг томорқа ерида енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш имконияти мавжудлигини;

томуорқа ер эгасини уруғликлар ва кўчатлар экиш учун томорқа ери мавжудлигини;

томуорқа ер эгасининг томорқа ерини суғориш воситасига бўлган эҳтиёжини;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуидагилар акс эттирилиши керак:

томуорқа ер эгаси ҳақиқатда томорқа ер эгаси эканлиги;

томуорқа ер эгасини ҳақиқатда ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оиланинг аъзоларидан бири эканлиги;

сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

томуорқа ерида енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш имконияти;

уругликлар ва кўчатлар ҳамда суғориш воситаларига бўлган эҳтиёжи;

г) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича мурожаатчининг аризаси;

ўрганиш натижалари бўйича расмилаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

8. Агарда томорқа ер эгаси мазкур Низомнинг 7-банди “а” кичик бандига мос келмаса ёки жойига чиқсан ҳолда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда томорқа ер эгасига хабарнома юборади.

9. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг худудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Бунда ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва расмийлаштирилган далолатномасида қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги хулосада кўрсатилиши керак.

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

10. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдигини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ва томорқа ер эгасига хабарнома юборади.

11. Агентликнинг худудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулосасини ва у билан бирга юборилган хужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва хужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик худудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда томорқа ер эгасига хабарнома юборади.

12. Хабарнома юборилган кундан бошлаб Агентликнинг худудий бошқармаси етказиб берувчи ташкилот ва томорқа ер эгаси ўртасида ўн иш кунида уч томонлама шартнома тузиш чораларини кўради.

Бунда томорқа ер эгасининг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, битта оила учун қуидаги йўналишлардан бири бўйича уч томонлама шартнома тузилади:

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш;

суғориш воситалари харид қилиш;

уругликлар ва кўчатлар сотиб олиш.

13. Агарда Марказ томонидан берилган хулосада қайд этилган маълумотлар ўз тасдигини топмаса, Агентликнинг худудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда томорқа ер эгасига хабарнома юборилади.

14. Уч томонлама тузилган шартномада енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, суғориш воситасини харид қилиш, уруглик ва кўчатлар сотиб олиш учун олдиндан 30 фоиз миқдорида тўлов амалга оширилиши (назарда тутилиши) мумкин. Тўловнинг қолган қисми шартнома шартлари тўлиқ бажарилгандан сўнг тўланади.

15. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш хуқуқи ҳар бир оиласа фақат бир марта берилади.

2-§. Ишсиз, кам таъминланган оиласалар аъзолари, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга қишлоқ хўжалиги кооперативлари устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидия ажратиш тартиби

16. Ишсиз, кам таъминланган оиласининг аъзоси ёки ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахслар (кейинги ўринларда – ишсиз шахс) қишлоқ хўжалиги кооперативи ташкил этиш ёки қишлоқ хўжалиги кооперативига ихтиёрий аъзо бўлиш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилиши мумкин.

Агарда таъсисчилар сони икки ва ундан ортиқ бўлса, уларнинг бирининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилинади.

Аризада ишсиз шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва раками (ID-карта раками), ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оила аъзоси эканлиги, ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келганлиги ва қишлоқ хўжалиги кооперативининг қайси фаолият тури билан шуғулланишини ҳамда сўралаётган субсидиянинг базавий ҳисоблаш миқдори кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун ишсиз шахс шахсан жавобгар ҳисобланади.

17. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали куйидаги маълумотларни ўрганади:

ишсиз шахснинг ҳақиқатда ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оила аъзоси эканлигини;

ишсиз шахснинг ҳақиқатда ташқи меҳнат миграциядан қайтиб келганлигини;

ишсиз шахснинг сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) қишлоқ хўжалиги кооперативининг балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асаларичилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик ва ҳунармандчилик фаолияти турларининг бири билан шуғулланиш имконияти мавжудлигини жойига чиқсан ҳолда ўрганади;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуйидагилар акс эттирилиши керак:

ишсиз шахс ҳақиқатда ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оила аззоси эканлиги;

ишсиз шахсни ташқи меҳнат миграциясидан қайтиб келганлиги;

ишсиз шахсни сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

ишсиз шахсни қишлоқ хўжалиги кооперативининг балиқчилик, қуёнчилик, паррандачилик, асалари чилик, мева-сабзавотчилик, узумчилик, тикувчилик ва хунармандчилик фаолият турларининг бири билан шуғулланиш имконияти мавжудлиги;

г) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича ишсиз шахсни аризаси;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

18. Агарда ишсиз шахс мазкур Низомнинг 17-банди “а” кичик бандига мос келмаса ёки жойига чиқсан ҳолда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ишсиз шахсга хабарнома юборади.

19. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг худудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хulosада кўрсатилиши керак.

Бунда ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва расмийлаштирилган далолатномасида қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги хulosада кўрсатилиши керак.

Марказнинг хulosасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

20. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдигини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ва ишсиз шахсга хабарнома юборади.

21. Агентликнинг худудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хulosасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда буйруқ нусхасини илова қилинган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ва ишсиз шахсга хабарнома юборади.

22. Ишсиз шахс белгиланган тартибда қишлоқ хўжалиги кооперативини ташкил этгандан ёки қишлоқ хўжалиги кооперативига ихтиёрий аъзо бўлгандан сўнг Агентликнинг ҳудудий бошқармасига қишлоқ хўжалиги кооперативининг банк реквизитларини тақдим этади.

23. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси икки иш кунида қишлоқ хўжалиги кооперативининг давлат рўйхатидан ўтганлигини ёки қишлоқ хўжалиги кооперативига ихтиёрий аъзо бўлганлигини “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали текширади ҳамда устав фондига ҳар бир аъзонинг улуши сифатида киритиш учун унинг банкдаги ҳисобварафига аризада кўрсатилган базавий ҳисоблаш миқдорида (бироқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача) субсидия ажратади ҳамда бу ҳақда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда и хабарнома юборади.

24. Қишлоқ хўжалиги кооператив устав фондига улуш сифатида киритиш учун субсидия битта оиланинг битта аъзосига фақат бир марта ажратилади.

25. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш хукуки бир марта берилади.

3-§. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиши билан шуғулланувчиларга иш ўрни яратиш шарти билан гилам ва ипак мато тўқиши дастгоҳини харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби

26. “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги қўлда гилам ва ипак мато тўқиши билан шуғулланувчи юридик шахслар (кейинги ўринларда – уюшма аъзоси) учтадан кам бўлмаган янги иш ўрни яратиш шарти билан гилам ва ипак мато тўқиши дастгоҳларини (кейинги ўринларда – дастгоҳлар) харид қилишга сарфланадиган харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий фаолият юритаётган манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилиши мумкин.

Аризада корхона номи, СТИР рақами, сотиб олинадиган дастгоҳлар тўғрисида маълумот ҳамда яратиладиган янги иш ўринлари сони, “Ўзбекипаксаноат” уюшмасига аъзолик маълумотномаси кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун уюшма аъзоси жавобгар ҳисобланади.

27. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали куйидаги маълумотларни ўрганади:

уюшма аъзосининг мавжуд ходимлари сонини;

уюшма аъзоси ҳақиқатда “Ўзбекипаксаноат” уюшмасига аъзолигини;

сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) уюшма аъзосининг дастгоҳларни харид қилиш орқали учтадан кам бўлмаган янги иш ўрни яратиш имконияти мавжудлигини жойига чиқсан ҳолда ўрганади;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада куйидагилар акс эттирилиши керак:

уюшма аъзосининг мавжуд ходимлар сони;

уюшма аъзоси дастгоҳларни харид қилиш орқали учтадан кам бўлмаган янги иш ўрни яратиш имконияти мавжудлиги;

уюшма аъзоси сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

г) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали куйидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича уюшма аъзосининг аризаси;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

28. Агарда уюшма аъзоси мазкур Низомнинг 27-банди “а” ва “б” кичик бандларига мос келмаса ёки ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда уюшма аъзосига хабарнома юборади.

29. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг худудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Бунда уюшма аъзосининг “Ўзбекипаксаноат” уюшмасига аъзолиги, мавжуд ходимлар сони, дастгоҳларни харид қилиш орқали учтадан кам бўлмаган янги иш ўрни яратиш ташаббуси кўрсатилиши керак.

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

30. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ва уюшма аъзосига хабарнома юборади.

31. Агентликнинг худудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулосасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Агентликнинг худудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади (буйруқда ходимлар ишга қабул қилингандан сўнг пул ўтказилиши кўрсатилиши керак) ҳамда бу ҳақда буйруқ нусхасини илова қилинган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда уюшма аъзосига хабарнома юборади.

32. Уюшма аъзоси хабарномани олгандан сўнг янги иш ўринларига қабул қилинган ходимларнинг паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), улар билан тузилган меҳнат шартномаси ва буйруқ нусхалари, шунингдек, дастгоҳларни харид қилиш бўйича тузилган шартнома нусхалари, субсидия тўлаш учун ҳисобварак-фактура ҳамда хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва банкдаги ҳисобвараги ҳақидаги маълумотларни Агентликнинг худудий бошқармасига тақдим этиши керак.

33. Агентликнинг худудий бошқармаси ўттиз иш кунида (кейинги ҳисобот ойида):

янги ишга қабул қилинган ходимларни солиқ базасида ижтимоий солиқ тўланганлигини ҳамда ҳақиқатда ускуналар харид қилганлигини аниқлайди;

уюшма аъзосининг аризасида кўрсатилган базавий ҳисоблаш миқдори доирасида (бироқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача) харид қилинган ҳар бир дастгоҳ учун (ҳар бир янги иш ўрнига битта дастгоҳ тўғри келишини инобатга олиб) субсидия ажратади ҳамда бу ҳақда уюшма аъзосига хабарнома юборади.

4-§. “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси аъзоларига кўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш бўйича харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби

34. “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмаси аъзоси бўлган тадбиркорлик субъекти (кейинги ўринларда – тадбиркорлик субъекти) камидан битта иш ўрни яратиш шарти билан кўл меҳнати учун харид қилинадиган ускуналарга сарфланган харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий фаолият юритаётган манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилиши мумкин.

Аризада тадбиркорлик субъектининг номи, СТИР рақами, қўл меҳнати учун харид қилинадиган ускуналар тўғрисида маълумот ҳамда яратиладиган янги иш ўрни, “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмасига аъзолик маълумотномаси кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун тадбиркорлик субъекти шахсан жавобгар ҳисобланади.

35. Ҳоким ёрдамчиси икки иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали куйидаги маълумотларни ўрганади:

тадбиркорлик субъектининг ҳақиқатда “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмасига аъзолигини;

тадбиркорлик субъектининг мавжуд ходимлари сонини;

тадбиркорлик субъектининг сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) тадбиркорлик субъектининг қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш орқали камида битта янги иш ўрни яратиш имконияти мавжудлигини жойига чиқкан ҳолда ўрганади;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуйидагилар акс эттирилиши керак:

тадбиркорлик субъектининг ҳақиқатда “Яйлов хўжалигини ривожлантириш” уюшмасига аъзолиги;

қўл меҳнати учун ускуналар харид қилиш орқали камида битта янги иш ўрни яратиш имконияти мавжудлиги;

тадбиркорлик субъектининг сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

г) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали куйидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича тадбиркорлик субъектининг аризаси;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

36. Агарда тадбиркорлик субъекти мазкур Низомнинг 35-банди “а” ва “б” кичик бандларига мос келмаса ёки ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда тадбиркорлик субъектига хабарнома юборади.

37. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг ҳудудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Бунда тадбиркорлик субъектининг “Ялов хўжалигини ривожлантириш” юшмасига аъзолиги, мавжуд ходимлари сони, қўл меҳнати учун ускуналарни харид қилиш орқали камидан битта янги иш ўрни яратиш имконияти кўрсатилиши керак.

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

38. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдигини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда тадбиркорлик субъектига хабарнома юборади.

39. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулосасини ва у билан бирга юборилган хужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва хужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади (буйруқда ходимлар ишга қабул қилингандан сўнг пул ўтказилиши кўрсатилиши керак) ҳамда бу ҳақда буйруқ нусхасини илова қилган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда тадбиркорлик субъектига хабарнома юборади.

40. Тадбиркорлик субъекти янги иш ўринларига ишга қабул қилинган ходимларнинг паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), улар билан тузилган меҳнат шартномаси ва буйруқ нусхалари, шунингдек, ускуналарни харид қилиш бўйича тузилган шартнома нусхалари, субсидия тўлаш учун ҳисобварақ-фактура ҳамда хизмат кўрсатувчи тижорат банки номи ва банкдаги ҳисобварағи ҳақидаги маълумотларни Агентликнинг ҳудудий бошқармасига тақдим этиши керак.

41. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси ўттиз иш кунида:

янги ишга қабул қилинган ходимларни солиқ базасида ижтимоий солиқ тўланганлигини ҳамда ҳақиқатда ускуналар харид қилганлигини аниқлайди;

тадбиркорлик субъектининг аризасида кўрсатилган базавий ҳисоблаш миқдори доирасида (бироқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваригача) харид қилинган ҳар бир ускуналар учун (ҳар бир янги иш ўрнига битта ускуна тўғри келишини инобатга олиб) субсидия ажратади ҳамда бу ҳақда тадбиркорлик субъектига хабарнома юборади.

5-§. Жисмоний шахсларнинг аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби

42. Аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш йўналиши бўйича “Ишга марҳамат” мономарказларидаги ўқув курсида ўқиш истагида бўлган жисмоний шахслар (кейинги ўринларда – жисмоний шахс) ўқиш харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), хонадонида балиқ етиштириш мақсадида “Ишга марҳамат” мономарказларидаги ўқув курсида ўқиш учун сўралаётган субсидия миқдори кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун жисмоний шахс жавобгар ҳисобланади.

43. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қўйидаги маълумотларни ўрганади:

жисмоний шахснинг ҳақиқатда ишсиз ва иш қидираётган шахс эканлигини;

жисмоний шахс сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) жисмоний шахснинг хонадонида балиқ етиштириш имконияти мавжудлигини жойига чиқкан ҳолда ўрганади;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қўйидагилар акс эттирилиши керак:

жисмоний шахсни ҳақиқатда ишсиз ёки иш қидираётган шахс эканлиги;

жисмоний шахснинг хонадонида балиқ етиштириш имконияти мавжудлиги;

жисмоний шахсни сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

г) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қўйидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича мурожаатчининг аризаси;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

44. Агарда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этилганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини қўрсатган ҳолда жисмоний шахсга хабарнома юборади.

45. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг ҳудудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

46. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдигини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларини қўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ҳамда жисмоний шахсга хабарнома юборади.

47. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулосасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Агентликнинг ҳудудий бошқармаси кафолат хати расмийлаштиради ва кафолат хатини илова қилган ҳолда жисмоний шахсга хабарнома юборади.

48. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган кафолат хати асосида “Ишга марҳамат” мономаркази ҳамда жисмоний шахс ўртасида икки томонлама шартнома тузилади.

“Ишга марҳамат” мономаркази жисмоний шахс балиқ етишириш йўналиши бўйича ўқув курсини тугатиб сертифакт олгандан сўнг бу ҳақда Агентликнинг ҳудудий бошқармасини хабардор қиласди.

Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан икки иш кунида “Ишга марҳамат” мономарказига ўқитиш харажатларини қоплаш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан ошмаган миқдорда бир марталик субсидия ажратилади.

49. Агарда Марказ томонидан берилган хулосада қайд этилган маълумотлар ўз тасдигини топмаса, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни қўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда жисмоний шахсга хабарнома юборади.

50. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

6-§. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш учун субсидия ажратиш тартиби

51. Тадбиркорлик ва ўзини ўзи банд қилиш фаолиятини бошламоқчи бўлган ишсиз, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқаролар (кейинги ўринларда – ишсиз фуқаро) фаолиятини бошлаш учун керак бўладиган асбоб-ускуна ва/ёки меҳнат қуроллари харид қилиш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада ишсиз фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), ишсизлиги, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”нинг бирида турганлиги, ўз фаолиятини бошлаш учун харид қилиш керак бўладиган асбоб-ускуна ва/ёки меҳнат қуролларининг номи, сўраклаётган субсидия миқдори, тадбиркор сифатида давлат хизматлари марказида давлат рўйхатидан ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида солик хизмати органларида рўйхатдан ўтганлиги кўрсатилади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун ишсиз фуқаро жавобгар ҳисобланади.

52. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали куйидаги маълумотларни ўрганади:

ишсиз фуқаронинг ҳақиқатда ишсиз ёки иш қидираётган шахс эканлигини;

ишсиз фуқаронинг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ёки “Ёшлар дафтари”дан бирида рўйхатда турганлигини;

ишсиз фуқаронинг сўраклаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) ўрганиш натижалари бўйича ишсиз фуқарони аризаси ва унга илова қилинган хужжатларни ҳамда тавсияни “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга юборади.

Бунда тавсияда ишсиз фуқарони фаолиятини бошлаш учун харид қилиш керак бўладиган асбоб-ускуна ва/ёки меҳнат қуроллари, сўраклаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Тавсияда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

53. Агарда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатилган ҳолда ишсиз фуқарога хабарнома юборади.

54. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг худудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳақконийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

55. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдигини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ҳамда ишсиз фуқарога хабарнома юборади.

56. Агентликнинг худудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулосасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) ишсиз фуқарога фаолиятини бошлаш учун керак бўлган асбоб-ускуна ва/ёки меҳнат қуролларини харид қилиш учун 7 миллион сўмгача, хотин-қизларга 10 миллион сўмгача субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик худудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади

Буйруқда асбоб-ускуна ва/ёки меҳнат қуролларининг номи ва уларни харид қилиш учун ажратиладиган субсидия миқдори кўрсатилади.

57. Агентликнинг худудий бошқармаси буйруқ расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш кунида Электрон давлат харидлари портали (dxarid.uzex.uz) орқали буйруқда кўрсатилган асбоб-ускуна ва/ёки меҳнат қуролларини харид қилиш бўйича буюртма беради.

Буюртмада етказиб берувчига Марказнинг юридик манзили кўрсатилади.

58. Асбоб-ускуна ва/ёки меҳнат қуроллар ишсиз фуқарога далолатнома асосида Марказ томонидан топширилади.

59. Агарда марказ томонидан берилган хулосада қайд этилган маълумотлар ўз тасдигини топмаса, Агентликнинг худудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда ишсиз фуқарога хабарнома юборади.

60. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

7-§. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз шахсга тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови учун субсидия ажратиш тартиби

61. Тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз шахс (кейинги ўринларда – ишсиз шахс) тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг дастлабки уч ой мобайнида олинган бино ва иншоотнинг ижара тўлови учун субсидия ажратиш бўйича тавсия бериш юзасидан ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада ишсиз шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), сўраклаётган субсидия миқдори, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги кўрсатилади, шунингдек, фаолиятини амалга ошириш учун ижарага олинаётган бино ва иншоотнинг ижара шартномаси нусхалари ҳамда банк реквизитлари илова қилинади.

Аризада қайд этилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар хаққонийлиги ишсиз шахс жавобгар ҳисобланади.

62. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни ўрганади:

ишсиз шахснинг ҳақиқатда тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини;

сўраклаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) ишсиз шахс фаолиятни амалга ошириш учун ижарага олинаётган бино ва иншоотнинг мавжудлигини жойига чиқсан ҳолда ўрганади;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуйидагилар акс эттирилиши керак:

ишсиз шахснинг ҳақиқатда тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги;

ишсиз шахс фаолиятини амалга ошириш учун ижарага олинаётган бино ва иншоотнинг мавжудлиги;

ишсиз шахсни сўраклаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

г) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуйидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича ишсиз шахснинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада қўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

63. Агарда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини қўрсатган ҳолда ишсиз шахсга хабарнома юборади.

64. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда қўрсатилган маълумотлар ўз тасдифини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг ҳудудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

65. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдифини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларини қўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ҳамда ишсиз шахсга хабарнома юборади.

66. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулосасини ва у билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда, хулоса ва ҳужжатларда қўрсатилган маълумотлар ўз тасдифини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Агентликнинг ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда Агентликнинг ҳудудий бошқармаси буйруқ нусхасини илова қилинган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда ишсиз шахсга хабарнома юборади.

67. Хабарнома юборилган кундан бошлаб ўн иш кунида Агентликнинг ҳудудий бошқармаси, тадбиркорлик фаолиятини бошлаётган ишсиз шахс ва ижарага берувчи ўртасида қонунчиликка асосан уч томонлама ижара шартномаси тузилади.

Бунда ижара шартномасида ижара муддати томонларнинг келишувига кўра белгиланади ҳамда ижара тўловининг дастлабки уч ой мобайнида Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан субсидия асосида тўлаб берилиши назарда тутилган қисми уч ойдан кўп бўлиши мумкин эмаслиги кўрсатилиши керак.

68. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси ижара шартномасида кўрсатилган санадан бошлаб ижарага берувчининг ҳисобварафига базавий ҳисоблаш микдорининг ўн бараваригача бўлган микдори уч ойга тенг тақсимланган ҳолда ҳар бир ой учун алоҳида тўлаб боради.

69. Агарда марказ томонидан берилган хулосада қайд этилган маълумотлар ўз тасдигини топмаса, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда ишсиз шахсга хабарнома юборади.

70. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

8-§. Ҳунармандларнинг “Ҳунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш тартиби

71. Ҳунармандлар (кейинги ўринларда – ҳунарманд) ўзларининг “Ҳунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада ҳунарманднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), “Ҳунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун тўлаш лозим бўлган ҳисобварақ ва сўраклаётган субсидия микдори кўрсатилади, шунингдек, “Ҳунарманд” уюшмасининг бадиий кенгаши қарори нусхаси илова қилинади.

Аризада қайд этилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун ҳунарманд жавобгар ҳисобланади.

72. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳунарманд сўраклаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини ўрганади;

б) ўрганиш натижалари ҳунарманднинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни ҳамда тавсияни “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга юборади.

Бунда тавсияда ҳунарманднинг ҳақиқатда “Ҳунарманд” уюшмасига аъзо эканлиги ва сўраклаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши керак.

Тавсияда кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

73. Агарда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда хунармандга хабарнома юборади.

74. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг худудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

75. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдигини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ва хунармандга хабарнома юборади.

76. Агентликнинг худудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулосасини ва у билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик худудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ва “Хунарманд” уюшмасига аъзолик бадали харажатларини қоплаш учун субсидия ажратилади ҳамда бу ҳақда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда хунармандга хабарнома юборади.

77. Агарда марказ томонидан берилган хулосада қайд этилган маълумотлар ўз тасдигини топмаса, Агентликнинг худудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда хунармандга хабарнома юборади.

78. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш хукуқи бир марта берилади.

9-§. Тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун сарфланадиган харажатларни тўлаш учун субсидия ажратиш тартиби

79. Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган, тадбиркорлик фаолиятини бошлашни хоҳлаётган ишсиз шахслар (кейинги ўринларда – ишсиз шахс) якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхона ёки микро фирмани давлат рўйхатидан ўтказиш учун сарфланадиган харажатларни тўлашда бир марталик субсидия ажратиш

бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилиши мумкин.

Аризада ишсиз шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), ишсизлиги, якка тартибдаги тадбиркор, кичик корхона ёки микрофирма бўлиб рўйхатдан ўтмоқчилиги, сўралаётган субсидиянинг турини кўрсатади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун ишсиз шахс жавобгар ҳисобланади.

80. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали куйидаги маълумотларни ўрганади:

ишсиз шахснинг ҳақиқатда ишсизлигини;

ишсиз шахснинг сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) ўрганиш натижалари бўйича ишсиз шахснинг аризаси ва унга илова қилинган хужжатларни ҳамда тавсияни “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга юборади.

Тавсияда ишсиз шахснинг ҳақиқатда ишсизлиги ва сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги кўрсатилиши керак.

Тавсияда қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

81. Агарда ишсиз шахс мазкур низомнинг 80-банди “а” ва “б” кичик бандларига мос келмаса ёки ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганилиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ишсиз шахсга хабарнома юборади.

82. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг худудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

83. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдигини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ҳамда ишсиз шахсга хабарнома юборади.

84. Агентликнинг худудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хulosасини ва у билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда, хulosса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик худудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда буйруқ нусхасини илова қилинган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда ишсиз шахсга хабарнома юборади.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлишни хоҳлаётган ишсиз шахс давлат рўйхатидан ўтиш учун Агентликнинг худудий бошқармаси буйруқ нусхасини илова қилган ҳолда давлат хизматлари марказига мурожаат қиласди.

Тўловни амалга ошириш учун Агентликнинг худудий бошқармасига “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Давлат хизматлари маркази томонидан инвойс рақами юборилади.

Агентликнинг худудий бошқармаси томонидан инвойс рақамига асосан бир иш кунида давлат рўйхатидан ўтиш учун белгиланган тўлов микдори доирасида давлат хизматлари марказининг ҳисобварағига субсидия ўтказиб берилади.

85. Агарда марказ томонидан берилган хulosада қайд этилган маълумотлар ўз тасдигини топмаса, Агентликнинг худудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда ишсиз шахсга хабарнома юборади.

86. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

10-§. “Уста-шогирд” анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандларга (кулолларга) шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун субсидия ажратиш тартиби

87. “Уста-шогирд” анъаналари асосида ёшларга хунар ўргатаётган хунармандлар (кулоллар) (кейинги ўринларда – хунарманд (кулол)) шогирдлар тайёрлаш, зарур хом ашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилиши мумкин.

Аризада хунарманднинг (кулолнинг) фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун сўралаётган субсидия тури, “Хунарманд” уюшмасига аъзолик маълумотномаси кўрсатилади, шунингдек, “уста-шогирд” анъаналари асосида шогирд сифатида қабул қилган ёшларнинг (фамилияси, исми ва отасининг исми кўрсатган ҳолда) рўйхати илова қилинади.

Аризада қайд этилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун ҳунарманд (кулол) жавобгар ҳисобланади.

88. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуидаги маълумотларни ўрганади:

хунармандни (кулолни) ҳақиқатда “Хунарманд” уюшмаси аъзоси эканлигини;

хунарманд (кулол) сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) жойига чиқсан ҳолда қуидагиларни ўрганади:

ёшларни ҳақиқатда “уста-шогирд” анъаналари асосида ҳунармандлардан (кулоллардан) ҳунар ўрганаётганлигини;

ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун зарур хомашёга эҳтиёжини;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуидагилар акс эттирилиши керак:

хунармандинг (кулолнинг) “Хунарманд” уюшмаси аъзолиги;

ёшларни ҳақиқатда “уста-шогирд” анъаналари асосида ёшларга ҳунэр ўргатаётган ҳунармандлардан (кулоллардан) ҳунар ўрганаётганлиги;

сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

ишлаб чиқариш эҳтиёjlари учун зарур хомашёга эҳтиёжи мавжудлиги;

г) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича ҳунармандинг (кулолнинг) аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада қўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

89. Агарда ҳунарманд (кулол) мазкур Низомнинг 88-банди “а” ва “б” кичик бандига мос келмаса ёки нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини қўрсатган ҳолда ҳунармандга (кулолга) хабарнома юборади.

90. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда қўрсатилган маълумотлар ўз тасдифини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг ҳудудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Бунда ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва расмийлаштирилган далолатномасида қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги хulosада кўрсатилиши керак.

Марказнинг хulosасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

91. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ҳамда ҳунармандга (кулолга) хабарнома юборади.

92. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хulosасини ва у билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хulosса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда ҳунармандга (кулолга) хабарнома юборади.

93. Агентлик ҳудудий бошқармаси ҳунармандга (кулолга) шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш учун 6 ой давомида ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда уларнинг аризада кўрсатилган ҳисобварағига субсидия ажратади.

94. Агарда Марказ томонидан берилган хulosада қайд этилган маълумотлар ўз тасдиғини топмаса, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларини кўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда ҳунармандга (кулолга) хабарнома юборади.

11-§. “Уста-шогирд” анъаналари асосида ҳунар ўрганган шогирдга мустақил ўз фаолиятини бошлаш учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга субсидия ажратиш тартиби

95. “Уста-шогирд” анъаналари асосида ҳунар ўрганган шогирд (кейинги ўринларда - шогирд) мустақил ўз фаолиятини бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада шогирднинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), сўралаётган субсидия тури, “Хунарманд” уюшмасига аъзолик маълумотномаси кўрсатилади, шунингдек, “уста-шогирд” анъаналари асосида ҳунар ўрганганигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади.

Аризада қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун шогирд жавобгар ҳисобланади.

96. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги тўғрисидаги маълумотларни аниқлайди;

б) жойига чиқсан ҳолда қуидагиларни ўрганади:

шогирднинг ҳақиқатда “уста-шогирд” анъаналари асосида ҳунармандлардан (кулоллардан) ҳунар ўрганганигини;

мустақил фаолият бошлиши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга эҳтиёжини;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуидагилар акс эттирилиши керак:

сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

шогирднинг ҳақиқатда “уста-шогирд” анъаналари асосида ҳунармандлардан (кулоллардан) ҳунар ўрганганиги;

мустақил фаолият бошлиши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга эҳтиёжи мавжудлиги;

г) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича шогирднинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

97. Агарда шогирд мазкур Низомнинг 96-банди “а” кичик бандига мос келмаса ёки жойига чиқсан ҳолда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда шогирдга хабарнома юборади.

98. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг ҳудудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Бунда ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва расмийлаштирилган далолатномасида қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги хулосада кўрсатилиши керак.

Марказнинг хулоасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

99. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдигини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ҳамда шогирдга хабарнома юборади.

100. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулоасини ва у билан бирга юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) шогирдга мустақил фаолият бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олишга асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг умумий суммасининг 50 фоизи (бироқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган қисми) учун субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади.

Буйруқда асбоб-ускуна ва жиҳозларнинг номи ва уларни харид қилиш учун ажратиладиган субсидия миқдори кўрсатилади.

101. Агентлик ҳудудий бошқармаси буйруқ расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш кунида Электрон давлат харидлари портали (dxarid.uzex.uz) орқали буйруқда кўрсатилган асбоб-ускуна ва жиҳозларни харид қилиш бўйича буортма беради.

Буортмада етказиб берувчига Марказнинг юридик манзили ёки шогирднинг манзили кўрсатилади.

102. Асбоб-ускуна ва жиҳозлар шогирдга далолатнома асосида етказиб берувчи ва Марказ томонидан топширилади.

103. Агарда Марказ томонидан берилган хулосада қайд этилган маълумотлар ўз тасдигини топмаса, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда “уста-шогирд” анъаналари асосида хунар ўрганган шогирдга хабарнома юборади.

104. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш хукуқи бир марта берилади.

12-§. Усталарга интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатлари учун субсидия ажратиш тартиби

105. “Хунарманд” уюшмаси аъзоси бўлган ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган шахслар (кейинги ўринларда – уста) интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ёки реклама харажатлари учун ажратиладиган субсидияларнинг айнан бир турини танлаган ҳолда харажатларни қоплаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали ариза билан мурожаат қилиши мумкин.

Аризада устанинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), сўраклаётган субсидия тури, “Хунарманд” уюшмасига аъзолиги ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги кўрсатилади, шунингдек, электрон дастурний таъминот ишлаб чиқарувчи юридик шахс (кейинги ўринларда – дастурчи) ўртасида тузилган шартнома нусхаси илова қилинади.

Аризада қайд этилган ва илова қилинган ҳужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлиги учун уста жавобгар ҳисобланади.

106. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуидаги маълумотларни ўрганади:

устани ҳақиқатда “Хунарманд” уюшмасига аъзолигини ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини;

дастурчининг давлат солик хизмати органларида рўйхатдан ўтганлигини;

сўраклаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада қуидагилар акс эттирилиши керак:

устани ҳақиқатда “Хунарманд” уюшмасига аъзолиги ва тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги;

интернет сайтларини ташкил этиши, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариши ёки рекламанинг айнан бир турни бўйича дастурчи билан тузилган шартноманинг мавжудлиги;

сўраклаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

в) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали қуидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “а” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича устанинг аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

107. Агарда мурожаатчи мазкур Низомнинг 106-банди “а” кичик бандида кўрсатилган талабларга мос келмаса ёки нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда устага хабарнома юборади.

108. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг ҳудудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларни илова қилган ҳолда хулоса юборади.

Бунда ҳоким ёрдамчисининг тавсияси ва расмийлаштирилган далолатномасида қайд этилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги хулосада кўрсатилиши керак.

Марказнинг хулосасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

109. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдиғини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ва устага хабарнома юборади.

110. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулосасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдиғини топса) уста ва дастурчи ўртасида тузилган шартномада кўрсатилган умумий сумманинг 50 фоизи, бироқ, базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш баравари миқдоридан ошмайдиган қисми учун субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ҳамда бу ҳақда буйруқ нусхасини илова қилинган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда устага хабарнома юборади.

111. Хабарномани олган сўнг уста банк реквизитларини Агентликнинг ҳудудий бошқармасига тақдим этади ҳамда Агентликнинг ҳудудий бошқармаси субсидияни икки иш кунида устанинг банкдаги ҳисобварафига ўтказиб беради.

112. Агарда Марказ томонидан берилган хулосада қайд этилган маълумотлар ўз тасдиғини топмаса, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда устага хабарнома юборади.

113. Ушбу субсидия туридан фойдаланиш ҳуқуқи бир марта берилади.

13-§. Касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўкув хоналарида касб-хунарга ўқитиш қийин бўлган айрим касбларни “уста-шогирд” анъаналари асосида ўрганмоқчи бўлган ёшларга ёки хунар ўргатаётган усталарга субсидия ажратиш тартиби

114. Касб-хунарга ўқитиш марказларининг ўкув хоналарида касб-хунарга ўқитиш қийин бўлган ва мазкур Низомнинг 3-банди “м” кичик бандида кўрсатилган касбларни “уста-шогирд” анъаналари асосида хунар ўрганмоқчи бўлган ёшлар (кейинги ўринларда – шогирд) ёки хунар ўргатаётган (ёки ўргатмоқчи бўлган) усталар (кейинги ўринларда – уста) шогирдларни тайёрлаш ёки иш ҳаки билан таъминлаш учун субсидия ажратиш бўйича тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қилиши мумкин. Бунда:

шогирд – аризада фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), ўрганмоқчи ёки ўрганаётган хунарининг номи, сўраклаётган субсидия тури ҳамда устанинг фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи, шунингдек, устанинг тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ёки “Хунарманд” уюшмасига аъзолиги кўрсатилади;

уста – аризада фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, паспорт серияси ва рақами (ID-карта рақами), ўргатмоқчи ёки ўргатаётган хунар номи, сўраклаётган субсидия тури ва субсидия тўлаб берилиши лозим бўлган ҳисобварағи, тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ёки “Хунарманд” уюшмасига аъзолиги кўрсатилади, шунингдек, “уста-шогирд” анъаналари асосида қабул қилган шогирдларни (фамилияси, исми ва отасининг исмини кўрсатган ҳолда) рўйхати илова қилинади.

Аризада қайд этилган ва илова қилинган хужжатлардаги маълумотлар ҳаққонийлигига шогирд ёки уста жавобгар ҳисобланади.

115. Ҳоким ёрдамчиси уч иш кунида:

а) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали куйидаги маълумотларни ўрганади:

устанинг ҳақиқатда тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги ёки “Хунарманд” уюшмасига аъзолигини;

сўраклаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлигини;

б) жойига чиққан ҳолда қуйидагиларни ўрганади:

устани мазкур Низомнинг 3-банди “м” кичик бандида кўрсатилган фаолият тури билан шуғулланишини;

шогирдни ҳақиқатда “уста-шогирд” анъаналари асосида шогирд сифатида қабул қилғанлигини;

в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради ва далолатномада куйидагилар акс эттирилиши керак:

устанинг тадбиркор ва ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтганлиги ёки “Хунарманд” уюшмасига аъзолиги;

устани сўралаётган субсидия туридан муқаддам фойдаланмаганлиги;

мазкур Низомнинг 3-банди “м” кичик бандида кўрсатилган фаолият тури билан шуғулланиши;

г) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали куйидаги маълумотларни Марказга юборади:

тавсия (тавсияда ушбу банднинг “в” кичик бандида назарда тутилган маълумотлар акс эттирилади);

субсидия олиш бўйича шогирд ёки устанинг аризаси ва унга илова қилинган хужжатлар;

ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатнома.

Тавсия ва далолатномада кўрсатилган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун ҳоким ёрдамчиси жавобгар ҳисобланади.

116. Агарда шогирд ёки уста мазкур Низомнинг 115-банди “а” кичик бандида кўрсатилган талабларга мос келмаса ёки жойига чиқсан ҳолда ўрганиш натижасида нотўғри (ёлғон) маълумотлар тақдим этганлиги аниқланган ҳолатларда, субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда ҳоким ёрдамчиси бир иш кунида рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда шогирд ёки устага хабарнома юборади.

117. Марказ икки иш кунида:

ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда, хужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Агентликнинг худудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларни илова қилган ҳолда хulosада кўрсатилиши керак.

Марказнинг хulosасида қайд этилган маълумотлар ҳаққонийлиги учун Марказ жавобгар ҳисобланади.

118. Агарда ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларда қайд этилган маълумотлар ўрганиш давомида ўз тасдигини топмаса, Марказ томонидан субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларини кўрсатган ҳолда Марказ икки иш кунида “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали ҳоким ёрдамчисига ҳамда шогирд ёки устага хабарнома юборади.

119. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси икки иш кунида:

Марказ хулосасини ва у билан юборилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади;

ўрганиш натижасига кўра (агарда хулоса ва ҳужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдигини топса) устага уч ой мобайнида ҳар бир шогирд учун (бироқ, шогирдлар сони беш нафардан ошмаган ҳолда) ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдорида субсидия ажратиш тўғрисида Агентлик ҳудудий бошқармасининг тегишли буйруғи қабул қилинади ва устанинг ҳисобварағига ўтказиб беради ҳамда бу ҳақда Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда шогирд ёки устага хабарнома юборади.

120. Агарда Марказ томонидан берилган хулосада қайд этилган маълумотлар ўз тасдигини топмаса, Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан икки иш кунида субсидия ажратиш рад этилади ҳамда бу ҳақда сабабларни кўрсатган ҳолда “Онлайн маҳалла” электрон платформа орқали Марказга ва ҳоким ёрдамчисига ҳамда шогирд ёки устага хабарнома юборади.

121. Ҳоким ёрдамчиси ҳафтада бир маротаба шогирд ёки устанинг аризасида кўрсатилган фаолият юритаётган манзилга чиқсан ҳолда шогирдларни ҳақиқатда тайёрланаётганлигини ўрганиб боради.

122. Ҳоким ёрдамчиси томонидан ўрганиш жараёнида шогирд ёки устанинг аризасида кўрсатилган манзилда фаолият юритмаганлиги ёки шогирдлар ўрганиш жараёнларида қатнашмаганлиги аниқланса, бу ҳақда икки нусхада далолатнома расмийлаштиради ва далолатноманинг бир нусхасини илова қилган ҳолда Агентликнинг ҳудудий бошқармасини хабардор қилади.

123. Агентликнинг ҳудудий бошқармаси томонидан ҳоким ёрдамчисининг хабарномаси ва далолатномаси келиб тушган кундан бошлаб икки иш кунида ўрганилади ҳамда ўрганиш жараёнида ҳоким ёрдамчиси томонидан аниқланган ҳолатлар ўз тасдигини топса, субсидия ажратишни тўхтатиш бўйича буйруқ расмийлаштирилади.

4-боб. Якунловчи қоидалар

124. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

125. Манфаатдор шахслар ҳоким ёрдамчилари, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари ва Марказларнинг ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги бўйича ҳамда субсидиялар ажратилиши асоссиз рад этилган такдирда, қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда судга мурожаат қилишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги хузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомга илова

Жамғарма маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Субсидия туридан фойдаланмоқчи бўлган юридик ёки жисмоний шахслар	Тавсия беришни сўраб ўзининг доимий яшаш манзилидаги ҳоким ёрдамчисига ёзма ёки “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали мурожаат қиласди.	Юридик ёки жисмоний шахслар хошишига кўра
2-босқич	Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчisi (кейинги ўринларда – ҳокими ёрдамчisi)	a) Давлат органлари ва ташкилотларининг маълумотлар базаси билан интеграциялашган “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали юридик ёки жисмоний шахсларнинг маълумотларини ўрганади; б) жойига чиққан ҳолда ўрганиш ўтказади; в) ўрганиш натижалари бўйича далолатнома расмийлаштиради; г) тавсияни, мурожаатчининг аризаси ва ўрганиш натижалари бўйича расмийлаштирилган далолатномани “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали туман (шаҳар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига юборади.	Уч иш кунида

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
3-босқич	Туман (шахар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази	<p>а) ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларни ўрганиб чиқади;</p> <p>б) ўрганиш натижасига кўра (агарда хужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдифини топса) “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг худудий бошқармасига ҳоким ёрдамчиси томонидан юборилган хужжатларни илова қилган ҳолда хulosаса юборади.</p>	Икки иш кунида
4-босқич	Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг худудий бошқармаси	<p>а) Туман (шахар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш маркази хulosасини ва у билан юборилган хужжатларни ўрганиб чиқади;</p> <p>б) ўрганиш натижасига кўра (агарда хulosаса ва хужжатларда кўрсатилган маълумотлар ўз тасдифини топса) субсидия ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг худудий бошқармасининг тегишли буйруги қабул қилинади ҳамда бу ҳакда “Онлайн маҳалла” электрон платформаси орқали туман (шахар) ҳокимлиги таркибидаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш марказига, ҳоким ёрдамчисига ҳамда юридик ёки жисмоний шахсларга ёзма хабарнома юборади.</p>	Икки иш кунида

